

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Ўзбекистон Мустақиллигининг 27 йиллиги

Ижтимоий сўров: одамлар нима демоқда

Ватанимиз мустақиллиги байрами арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази юрдошларимизнинг мамлакатимиз сийёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда эришган ютуқларига, жамиятдаги маънавий-ахлоқий ва ижтимоий ўзгаришларга муносабатини аниқлаш масадида

«Ўзбекистон: давлат мустақиллигига 27 йил» мавзuida тадқиқот ўтказди.



Ижтимоий сўров мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларини қамраб олди, унда қишлоқ ва шаҳарларда истиқомат қилаётган турли миллат ва ижтимоий қатлам вакиллари ҳам-

да ишлаб чиқаришнинг турли соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган 18 ва ундан юқори ёшдаги фуқаролар иштирок этди.

2-бетда

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Бир суткагача муддатга чегарани кесиб ўтганлар алоҳида ҳисобга олинади

Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2018 йилдаги 682-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 3.04.2018 йилдаги 263-сон қарори билан тасдиқланган) тегишли қўшимчалар киритилди.

Эслатиб ўтамиз, ташқи сектор статистикаси — тўлов баланси ва халқаро инвестиция позицияси, ялпи ташқи қарз ва қарзга хизмат курсатиш жадвали, халқаро захиралар, товарларнинг халқаро савдоси ва айирбошлаш курсларини ўз ичига олувчи маълумотлар тоифаси. Бошқалар қатори, мамлакатимизга кирувчи ва ундан чикувчи Ўзбекистон ва хорижий давлатлар фуқароларининг сони ҳисобга олинади.

Сервер ускунаси модернизация қилингандан кейин ДХХ Чегара қўшинлари ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази 2021 йил 1 январдан бошлаб 24 соатгача кетувчи/келувчи хорижий фуқаролар ва ҳамюртларимиз сони ҳақидаги статистик маълумотларни тақдим этади.

Маълумотлар бир ойда келувчилар/кетувчилар умумий сони ҳақидаги ахборотга қўшимча равишда тузилади. Қуйидагилар ҳисобга олинади:

➤ сафардан мақсад: хизмат, ўқиш, иш, туристик, қариндошларни қўриқ, даволаниш, доимий яшаш учун, тижорат, транзит, бошқалар;

➤ фуқаролар ва хорижий фуқароларнинг жинси ва ёши тавсифи;

➤ чегарани кесиб ўтиш усули (аэропорт, темир йўл, автотранспорт), шу жумладан қардан кесиб ўтганлиги: Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон ёки Қирғизистон билан чегара орқали.

Шунга асосан солиштирма динамикада туристик хизматлар (сафар) экспорти ва импорти кўрсаткичлари шакллантирилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 25.08.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

3-бетда

ТАДБИРКОРГА ЁРДАМ

Савдо қилиш учун рухсатнома

Ҳар қандай тадбиркор улгуржи ёки чакана сотиш билан бевосита боғлиқ бўлган фаолиятга қўл урар экан, ўзи танлаган товар ёки сотиш шакли учун алоҳида рухсатнома олиш талаб этилиши-этилмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак.

❓ **Улгуржи савдога лицензия қандай олинади?**

— Улгуржи савдо — тижорат мақсадларида фойдаланиш ёки ўз ишлаб чиқариш-ҳўжалик эҳтиёжлари учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш (қайта сотиш).

Талабгорларга қўйиладиган талаблар

Лицензия фақат юридик шахсларга берилади. Шу сабабли яқка тартибдаги тадбиркорлар улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Қаерга қандай ҳужжатлар тақдим этилади

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланадиган тури кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисида ариза;

2) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (оддий ксеронусха, нотариал тасдиқлаш керак эмас);



3) лицензия бериш тўғрисидаги ариза лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар лицензияловчи орган масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб

4-бетда

Ушбу
сонда:

5-6-БЕТЛАР

Пойтахтнинг инвестиция
муҳити тубдан яхшиланади

7-БЕТ

Талабани
қисқартиришди

8-БЕТ

Тошкентда қанча кўп
шовқин солса бўлади?

Ҳурматли ўқувчилар!
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллик байрами нишонлаш муносабати билан дам олиш кунлари ўзгарганлиги туфайли «Солиқ ва бошқона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталарининг навбатдаги сонлари 2018 йил 11 сентябрда чиқади.

Тахририят.

Ижтимоий сўров: одамлар нима демокда



Сўровда 97,3 фоиз фуқаролар мамлакатимизда мустақам тинчлик ва хавфсизлик сақланаётгани,

ижтимоий-сиёсий, миллатлараро, динлараро ва ҳарбий низоларнинг йўқлигини Ўзбекистоннинг энг асосий ютуқлари сифатида қайд этган. Ҳамюртларимиз турли тил, маданият, анъана ва динлар уйғунлиги, тинчлик ва ҳамжиҳатлик ахлоқий меъёр бўлган ўзига хос жамиятни шакллантирганидан чинакам фахрланади. Миллатлараро ва диний бағрикенглик истиқлол йилларида янада мустақамланди ва Ўзбекистоннинг стратегик ресурси ва устулликка айланган. Сўров иштирокчиларининг фикрича, фуқаролар ўртасидаги тинч-тотувлик жамиятни ҳар томонлама ривожлантирадиган асосий омил ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мустақиллик ва суверенитет Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви, барча давлатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли асосда муносабатларни йўлга қўйишига имкон берди.

Сўров иштирокчиларининг 90 фоиздан ортиги давлатимиз томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш борасида эришилган натижалардан ва бу борадаги ишларнинг бугунги аҳолидан қониқмоқда. Қатнашчиларнинг 94 фоизи фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида эришилган натижалар энг асосий ютуқдир, деган фикрда. Буни Ўзбекистонни дунёдаги энг хавфсиз мамлакатлардан бири деб тан олган нуфузли «Gallup» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳам тасдиқлайди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўров иштирокчилари бу борада инновацион ва технологик юксалиш содир бўлаётганини қайд этган. Етакичи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари берган ижобий баҳолар ҳам қўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигидан аққол далолат беради. Сўровда қатнашган якка тартибдаги меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланаётган фуқароларнинг кўпи давлатимиз томонидан мазкур соҳада яратилган шароитлардан қониқади.

Сўралганларнинг 93,6 фоизи мамлакатимиз саноатини диверсификация ва модернизация қилиш, айниқса, автомобилсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, фармацевтика, маиший техника, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш каби тармоқларни барқарор ривожлантириш бу борадаги муваффақиятларнинг муҳим омили, деб ҳисоблайди. Сўров жараёнида иштирокчилар юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг сезиларли даражада ошгани, бозорлар маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлангани ва уларнинг рақобатбардорлиги ортиганини қайд этган.

Фуқароларнинг 86,1 фоизи уй-жой қуриш ишларининг фаоллашганини Ўзбекистоннинг энг муҳим муваффақиятларидан бири, деб ҳисоблайди. Мамлакатимизда аҳоли учун барча қўлайликларга эга ва арзон нархларда қўл қаватли уйлар барпо этилмоқда. Вилоят ва туманлар марказларини ободонлаштириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, қишлоқ аҳолиси, айниқса, эҳтиёжманд қатлам вакилла-

рининг турмуш шароитини босқичма-босқич яхшилашга йўналтирилган «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилмоқда.

Сўров иштирокчиларининг 83,2 фоизи қайд этганидек, турли соҳаларда чуқур билимга эга, интеллектуал салоҳияти юқори, баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасидаги натижалар таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, мактабгача таълим тизимига бўлган бутунлай янги ёндашув, мактаб таълими тизимини тубдан ўзгартириш, виллоятларда янги олий таълим даргоҳлари, кадрлар тайёрлаш бўйича замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ҳамда сиртки ва кечки бўлимларнинг очилиши самарасида қўлга киритилмоқда.

Қатнашчиларнинг 79,1 фоизи мамлакатимизнинг маданият, илм-фан ва санъат соҳаларидаги ютуқларини эътироф қилган. Бунда илм-фандаги ўзгаришлар ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий мактаблари тикланиши масалалари алоҳида қайд этилган.

Аксарият фуқаролар (89,7 фоиз) ҳамюртларимизнинг қонунга бўлган ҳурматининг ошганини алоҳида қайд этди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатимиз фуқаролари давлатимизнинг эртанги куни ва истиқболига қатъий ишонади, одамларда ўз ҳаётини янада яхшилашга интилиш, мамлакат тараққиёти ва фаровонлигига дахлдорлик туйғуси кучайган. Тадқиқот моддий аҳоли ва турмуш шароити яхшиланишини қайд этган фуқаролар сони ортиганини кўрсатди. Мамлакатимиз фуқароларининг ҳар учинчиси ўзи ва оиласининг моддий аҳолини яхшилашга эришганини билдирган.

Юртдошларимизнинг 99,4 фоизи мамлакатимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани ва дунёда муносиб ўрин эгаллаган мустақил суверен республика эканлигидан гурунланади.

Фуқароларнинг аксарияти (97,3 фоизи) иқтисодиёт, молия, саноат, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлари, ижтимоий ҳимоя, қурилиш, таълим, фан ва маданият, қишлоқ ҳўжалиги, табиати муҳофаза қилиш соҳаларида эришилган ютуқлардан фахрланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида ўтказилган сўров ҳалқимиз ички ва ташқи сиёсатдаги ислохотларни қўллаб-қувватлаётганини тўлиқ тасдиқлади. Ҳамюртларимиз давлатимиз раҳбарининг Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилаётган қарорларини қўллаб-қувватлайди, мамлакатимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ижобий баҳолайди.

Фуқароларнинг 95,6 фоизи Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ орасида юксак обрў ва ишончга сазоворлигини билдирган. Уларнинг фикрича, Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти самарасида юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таъминланмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалаётир, одамлар ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб, уларни ўз ҳаётида ҳис этмоқда, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи ортиб бормоқда.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида.
Ў.З.А.

Молия вазирлиги ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 20.08.2018 йилда 2439-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан солиқ ҳисоботининг шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди («СБХ»нинг келгуси сони ҳужжатлар пакетида чоп этилади).

Фойда солиғи бўйича (1-илова)

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича барча ҳисобот шаклларида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғига тааллуқли кўрсаткичлар чиқариб ташланди. Эслатиб ўтамиз, 2018 йил 1 январдан эътиборан ушбу солиқлар битта фойда солиғига бирлаштирилган.

Солиқ солинадиган база ва фойда солиғи суммаси иккита сумма билан акс эттирилади:

- 2018 йил I чораги учун алоҳида;
- қолган сумма.

Бу I чорақда солиқ бўйича қуйидаги имтиёзлар амал қилгани билан боғлиқ, улар II чорақдан бошлаб бекор қилинган:

- юридик шахсдан олинib, унинг устав капиталига йўналтирилган дивидендлар бўйича;
- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича;
- экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ ставкасини пайсайтириш бўйича.

9 ва 12-иловалар фақат 2018 йил I чораги учун тўлдирилади ва бутун солиқ даври мобайнида ўзгартиришсиз қолдирилади.

Фойда солиғи ҳисоб-китобига 3-илова (илгари – 2-илова) «Чегирилмайдиган харажатлар»га ўзгартириш киритилди, сабаби илгари чегирилмайдиган деб ҳисобланган солиқ тўловчининг айрим харажатлари 2018 йил 1 январдан бошлаб чегирилadиганлар сирасига киритилди.

Масалан:

➤ ёрдамчи ҳўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган ва солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун берилadиган товарлар бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар);

➤ ҳўжалик бошқаруви органини сақлаш учун ажратмалар;

➤ биргина ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ ўтказиладиган йиллик молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш харажатлари;

➤ солиқ тўловчи фаолиятида талабгир бўлмаган касблар бўйича кадрларни тайёрлаш харажатлари;

➤ пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;

➤ ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил этиш тадбирларига харажатлар;

➤ шаҳарлар ва посёлкаларни ободонлаштириш ишларини бажаришга харажатлар;

➤ тўлиқ эскирган, фойдаланишда бўлган асбоб-ускуна учун тўлов;

➤ ишончли бошқарувчи хизматлари қийматига ҳақ тўлаш харажатлари.

Фойда солиғи ҳисоб-китобига янги 14-илова – «Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг қўшимча суммасининг ҳисоб-китоб-маълумотномаси» қўшимча қилинди. Уни асосий фаолият тури автомобиль транспортида юк ташини бўйича хизматлар кўрсатиш ҳисобланган юридик шахслар тўлдиради.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йилнинг 1 январдан бошлаб, солиқ солиш тизимидан қатъий назар, битта транспорт воситасига ҳисоблаганда ушбу корхоналар томонидан тўланаётган солиқлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг жами миқдори якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги керак (29.12.2017 йилдаги ПҚ–3454-сон қарорнинг 8-банди).

ЖШДС бўйича (2-илова)

Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларнинг 4.3-банди 010-сатрининг «Кўрсаткичлар» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасида кўрсатилган» деган сўзлар чиқариб ташланди. Ушбу сатрда ЖШДСнинг энг кам ставкаси бўйича солиқ солинадиган

• УСТУВОРЛИКЛАР

- Ижтимоий сўров: одамлар нима демокда 1-2-бетлар
- ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1, 3-бетлар

• ТАДБИРКОРГА ЁРДАМ

- Савдо қилиш учун рухсатнома 1, 4-бетлар

• РАСМИЙ ҲУЖАТЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
- «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».
- Идораъий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат:
- ЎЗР МБ Бошқарувининг «Ваколатли

банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори 5-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Кундузги бўлимда ўқийдиган талабани қисқартириш мумкинми 7-бет

• АВТОНОРМА

- Тўхтаб туриш жойларида – ногиронлар учун 5% бепул жойлар
- 1 октябрдан автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойлари ЯСТ ёки умумбелгиланган солиқларни тўлашда
- Шовқин учун меъёр

8-бет

даромадлар кўрсатилади. Бироқ, Солиқ кодексининг 181-моддасида назарда тутилган даромадлардан ташқари, қуйидаги даромадларга ҳам 7,5%лик энг кам ставка бўйича солиқ солинади:

касаначиларнинг (24.05.2017 йилдаги ПҚ–2996-сон қарорнинг 3-банди);

Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази резидентлари билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича жисмоний шахслар томонидан олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги (30.06.2017 йилдаги ПФ–5099-сон Фармоннинг 8-банди).

Тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи суммалари тўғрисида маълумотномада (I бўлим 5-банди) дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталга) йўналтирилган даромадлар акс эттириладиган сатрга «2018 йил 1 апрелгача» сўзлари қўшимча қилинди. Шунингдек мазкур аниқлаштириш билан иловига қўшимча ҳаволалар киритилди. Жисмоний шахсларнинг бундай даромадларини солиқ солишдан озод қилиш бўйича имтиёз 2018 йил 1 апрелгача амал қилганлиги муносабати билан ушбу қўшимча киритилди.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда ҳам дивидендлар бўйича имтиёзлар бекор қилинган акс эттирилди (II бўлими 12-бандининг «д» кичик банди).

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ бўйича (7-илова)

Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича барча ҳисобот шакллари Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларга мувофиқлаштирилди. 2018 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар мол-мулк солиғи солиш объекти ҳисобланади:

- кўчмас мулк, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган кўчмас мулк;
 - норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектилари;
 - белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар (Солиқ кодексининг 266-моддаси).
- Ҳисоботда кўчмас мулкка нималар кириши ҳам аниқлаштирилган, булар:
- бинолар;
 - иншоотлар;
 - ер билан узвий боғлиқ узатиш қўлмалари;
 - кўп йиллик дов-дарахтлар.

2018 йил 1 апрелдан экспорт қилувчи корхоналар учун, шунингдек маҳаллийлаштириш дастурларида киритилганлар учун мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинганлиги муносабати билан Мол-мулкка солинадиган солиқ ҳисоб-китобида қуйидаги иловалар фақат 2018 йил 1 чораги якунлари бўйича тўлдирилади:

- маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган кўчмас мулкни акс эттирувчи 4-илованинг 0301-сатри;
- 5-илова «Маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган мол-мулк ҳисоб-китоби»;
- 6-илова «Экспорт улушига боғлиқ ҳолда мол-мулк солиғи ставкасига тузатиш киритиш».

Қуйидаги шакллар мол-мулкка солинадиган солиқ бўйича ҳисоботдан чиқариб ташланди, сабаби республика ҳудудда кўчмас мулкка эга бўлган норезидент юридик шахслар, доимий муас-

саса ташкил этилганидан қатъи назар, 2018 йил 1 январдан бошлаб мол-мулк солиғи тўловчилари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентларида мавжуд асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати тўғрисида маълумотнома;
- Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширмаётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (юридик ва жисмоний шахслар)га мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк тўғрисида маълумотнома.

Юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи бўйича (8-илова)

Ер солиғи тўловчи юридик шахсга тегишли бўлган умумий ер майдони бўйича гектарда кўрсатиладиган маълумотлар билан тўлдирилди.

Қишлоқ ҳўжалиги аҳамиятига мулк бўлмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китобида 1-илова қурилиши тугалланмаган объектлар билан банд бўлган ер майдонлари бўйича кўрсаткичлар акс эттириладиган 3 та устун билан тўлдирилди. Бундай объектлар бўйича ер солиғи 3 баравар ставкада тўланади (Солиқ кодексининг 283-моддаси 3-қисми).

Эслатиб ўтамиз, 2018 йилнинг II чорагидан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллайдиган юридик шахслар ҳам ер солиғини тўлайдиган бўлидлар. Улар Қурилиш вазирлигининг қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекциялари (Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси ўрнига ташкил этилган, 2.04.2018 йилдаги ПФ–5392-сон Фармоннинг 2-банди) томонидан аниқланган ер участкалари бўйича ер солиғини Солиқ кодексининг 283-моддаси 3-қисмида белгиланган тартибда тўлайдилар.

ҚҚС бўйича (3-илова)

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби ва унга иловалардан аҳолига реализация қилинадиган табиий газ бўйича ҚҚСни умумий суммалардан ажратувчи кўрсаткичлар акс эттирилган сатрлар чиқариб ташланди. Бу билан ҳисобот Солиқ кодексига мувофиқлаштирилди – 2015 йил 1 январдан аҳолига реализация қилинадиган газ бўйича ҚҚСнинг ноль даражали ставкаси бекор қилинган (Солиқ кодексининг 217-моддаси; 4.12.2014 йилдаги УРҚ–379-сон Қонуннинг 4-моддаси 21-банди). Газ нархи давлат томонидан тартибга солинадиган ва ҚҚСни ўз ичига олади.

ҚҚС ҳисоб-китобида 6-илова «Ноль даражали ставка бўйича ҚҚСнинг қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳисоб-китоби»нинг 060-сатри Солиқ кодексининг 217-моддасига мувофиқ баён этилди. Аҳолига кўрсатиладиган ва ноль даражали ставка бўйича ҚҚС солинадиган коммунал хизматлар рўйхатида идоравий уй-жой фонди уйларида ршаётган аҳоли учун Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олиннадиган хизматлар қўшимча қилинди.

Акциз солиғи бўйича (4-илова)

Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китоби 17-устун «Солиқ тўловчи ихтиёрида қолдириладиган акциз солиғи суммаси» билан тўлдирилди.

Унда солиқ тўловчининг ихтиёрида қолдириш мумкин бўлган акциз солиғи

суммалари акс эттирилади. Ушбу устунни акциз солиғи бўйича мақсадли имтиёзлар берилган корхоналар тўлдилади.

Мақсадли фойдаланиш деганда солиқ ҳисобланиши, бироқ бюджетга тўланмай, корхона ихтиёрида қолдирилиши ва имтиёзларни бериш чоғида белгиланган мақсадлар учунгина фойдаланилиши кераклиги тушунилади. Бундай корхоналар сирасига, масалан, «Ўзтрансгаз» АК (АВ томонидан 9.01.2012 йилда 2310-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2-банди), «Ўзнефтьмаҳсулот» АЖнинг нефтни қайта ишлаш заводлари (4.09.2017 йилдаги ПҚ–3253-сон қарорнинг 4-банди), заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар (10.08.2017 йилдаги ПҚ–3199-сон қарорнинг 9-банди) кирази.

Бунда 16-устунда акс эттириладиган сумма мусбат қийматга эга бўлиши керак.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича (6-илова)

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобида илова «Солиқ солинадиган базадан камайтириладиган сув ҳажмлари» 0207-сатр билан тўлдирилди. Унда иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қўйиладиган сув ҳажми акс эттирилади.

2017 йил 1 октябрдан бундай сув ҳажми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтиради (Солиқ кодексининг 261-моддаси 2-қисми 7-банди; 4.09.2017 йилдаги ПҚ–3253-сон қарорнинг 4-банди).

ЯИТ ва сугурта бадаллари бўйича (10-илова)

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ҳисоб-китоби 7 ва 8-устунлар билан тўлдирилди. Уларда умумбелгиланган (8%) ва имтиёзли ставкалар бўйича ҳисобланган фуқароларнинг

сугурта бадаллари алоҳида-алоҳида акс эттирилади.

Эслатиб ўтамиз, 1.01.2028 йилгача Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази резидентлари билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича жисмоний шахслар томонидан 2028 йил 1 январгача олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга сугурта бадалларининг имтиёзли ставкаси (4,5%) қўлланилади (30.06.2017 йилдаги ПФ–5099-сон Фармоннинг 8-банди).

4 ва 4а-илвалар бирлаштирилди. Унда ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган фуқароларнинг ойлик сугурта бадаллари суммалари тўғрисида маълумотлар акс эттирилади. Шу муносабат билан 4а-илова ўз кучини йўқотди.

Мақсадли жамғармаларга ажратмалар бўйича (10-илова)

ДМЖга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоботнинг барча шакллари янгиланди. Бу илгари ушбу ажратмалар турлари бўйича – бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармасига – ҳисоботда акс эттирилганлиги билан боғлиқ.

2018 йил 1 январдан улар ягона тўлов – 3,2%лик ставка бўйича давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларга бирлаштирилди (29.12.2017 йилдаги ПҚ–3454-сон қарорнинг 4-банди). Бунда айрим корхоналар уларни 1,5%лик имтиёзли ставка бўйича тўлайдилар (29.12.2017 йилдаги ПҚ–3454-сон қарорга 24-иловага изоҳ). Янги ҳисобот шаклларида ДМЖга мажбурий ажратмалар қўлланиладиган ставкалар кесимида акс эттирилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.08.2018 йилдан кучга кирди.

Ирина Ахметова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР
Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.
Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.
СОТИБ ОЛАМАН
Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПФ5290-сон «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармони муносабати билан қуйидаги давлат статистика ҳисоботлари шакллари топшириш муддатлари ўзгартирилди:

- 1-К (ойлик) «Ташкилот фаолияти тўғрисида ҳисобот», 1-K shakliga ilova (sanoat) (ойлик) «Худудий алоҳида бўлинмаларга эга бўлган юридик шахсларнинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисобот», 1-K shakliga ilova (xizmat) (ойлик) «Худудий алоҳида бўлинмаларга эга бўлган юридик шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар тўғрисида ҳисобот», 1-K shakliga ilova (savdo) (ойлик) «Худудий алоҳида бўлинмаларга эга бўлган юридик шахсларнинг улгуржи ва чакана савдо товар айланмиси тўғрисида ҳисобот»ларни – 5 сентябрдан кечиктирмай;
- 2-parq (ойлик) «Саноат корхонасининг харид қилинган моддий ресурслари ўртача нархлари тўғрисида ҳисобот»ни – 7 сентябрдан кечиктирмай.

Давлат статистика қўмитаси серверлари кечаю кундуз ишлаши туфайли ҳисоботларни белгиланган муддатдан аввал тақдим этиш мумкин.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

Савдо қилиш учун рухсатнома

1-бетда олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

Қанча муддатда кўриб чиқилади

Лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор ариза тушган кундан бошлаб 2 иш куни давомида қабул қилинади. Яъни ҳужжатлар тақдим этилганидан кейинги кунгача қарор қабул қилиниши керак.

Қарор қабул қилингандан кейин 1 иш куни мобайнида ариза берувчини (лицензия талабгорини) хабардор қилиш шарт.

Қандай тўловлар тўланади

2 та тўлов тўланади:

➢ ҳужжатлар тақдим этилганда — уларни кўриб чиққанлик учун лицензияловчи орган счётига 0,5 ЭКИХ миқдоридидаги йиғим;

➢ лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилингандан кейин — 2 ЭКИХ миқдоридидаги давлат бож. Лицензияловчи органнинг лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилингани тўғрисидаги ёзма билдиришномасида банк ҳисобрақами реквизитлари ва давлат бож тўлаш муддати (3 ой) кўрсатилади.

Лицензия қанча муддатга берилади

Улгуржи савдога лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган.

? *Товарларни қачон улгуржи савдога лицензиясиз нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан сотиш мумкин?*

— Товарлар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш орқали улгуржи савдо қилишга лицензия бир қатор ҳолларда талаб этилмайди.

1. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишда. Булар ўзининг ёки жалб этилган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда корхона мустақил равишда ишлаб чиқарган ёки қайта ишлаган маҳсулотлардир (шу жумладан ярим тайёр маҳсулотлар).

2. Чакана савдо корхоналарига ўтган ойдаги товар айланмасининг 10%и доирасида. Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган) 19-бандига мувофиқ, товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича сотиш чакана савдо корхоналари томонидан ўтган ойдаги ойлик товар айланмаси умумий ҳажмининг 10%и доирасида амалга оширилиши мумкин.

Бунда товарлар сотилишини ҳисоблаб чиқиш ҳар бир ой бўйича алоҳида амалга оширилади. Товарларни олдинги ойлар ҳисобига сотишга йўл қўйилмайди.

Чакана савдо корхоналарига товарларни товар айланмаси умумий ҳажмининг 10%идан ортиқча нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича фақат ижтимоий соҳа ташкилотлари ва муассасалари — болалар, даволаш муассасалари, қариялар уйлари, болалар уйлари, ногиронлар уйлари, ўқув ва маърифат юр்தларига сотишга рухсат берилади.

3. Банк карталари, шу жумладан корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пул-

сиз ҳисоб-китоб қилишда. Юридик шахсларга фуқаролар ва юридик шахслар билан пластик карталар воситасида ҳисоб-китоб қилишга рухсат берилган. Бунда корпоратив пластик карталар бирор-бир чекловларсиз қабул қилинади.

Улгуржи савдони лицензиялаш масалалари қуйидаги ҳужжатлар билан тартибга солинади:

➢ «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун;

➢ ОМнинг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарори (12.05.2001 йилдаги 222-II-сон);

➢ Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом (ВМнинг 5.11.2005 йилдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган).

? *Кўча савдога рухсатнома қандай олинади?*

— Кўча савдо — чакана савдо тури. У кўча савдо объектларидан (лотоклар, пештахталар, палаткалар, автодўконлар ва б.) фойдаланган ҳолда турғун шохобчалардан ташқарида амалга оширилади. Кўча савдо объектлари вақтинча жойлаштирилади, мавсумий ёки мақсадли хусусиятга эга бўлади, шунингдек иш куни тугагандан кейин қисмларга ажратилади ва кўчирилади.

Талабгорларга қўйиладиган талаблар

Кўча савдога рухсатномани фақат юридик шахслар олишлари мумкин.

Қаерга қандай ҳужжатлар тақдим этилади

Кўча савдо объекти жойлашган жой бўйича Давлат хизматлари марказига қуйидагилар илова қилинган ариза берилади:

➢ туман (шаҳар) ҳудудига кўча савдонинг тасдиқланган жойлашиш схемасига мувофиқ кўча савдо объекти жойлашиши схемаси;

➢ кўча савдо даври кўрсатилган ҳолда кўча савдо объектлари орқали сотилиши мумкин бўлган товарларнинг тасдиқланган рўйхати асосида сотиладиган товарлар рўйхати;

➢ хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилган банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминали мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги ўзaro ахборот ҳамкорлиги, шу жумладан электрон шаклдаги ахборот ҳамкорлиги воситасида белгиланган тартибда фискал хотирли НКМ рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида солиқ органининг маълумотномасини мустақил олади.

Қанча муддатда кўриб чиқилади

Туман (шаҳар) ҳокимлиги рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани у тушган кундан бошлаб 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади. Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Қандай тўловлар тўланади

Кўча савдо қилишда рухсатнома берилганлиги учун қуйидаги миқдорларда йиғим ундирилади:

➢ Тошкент шаҳрида — ЭКИХнинг 1 баравари миқдоридида;

➢ Нукус шаҳрида, вилоятлар марказларида ва вилоят бўйсунувидида шаҳарларда — ЭКИХнинг 75%и;

➢ туманларнинг маъмурий марказларида ва туман бўйсунувидида шаҳарларда — ЭКИХнинг 50%и.

Рухсатнома қанча муддатга берилади

Рухсатнома уни бериш тўғрисидаги аризада кўрсатилган муддатга, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

Кўча савдони ташкил этишда қуйидаги ҳужжатларга риоя этинг:

➢ «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонун;

➢ Кўча савдога рухсат бериш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 13.07.2016 йилдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган);

➢ Тошкент шаҳар ҳокимининг «Ўринлар сони, сотиладиган товарлар рўйхати ва кўча савдо даври кўрсатилган ҳолда кўча савдо объектларининг жойлашиш схемасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (29.12.2017 йилдаги 1737-сон).

? *Тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш учун қандай рухсатномалар керак?*

— Тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш учун махсус рухсат берувчи ҳужжатларни олиш керак эмас. Уни юридик шахслар ҳам, яқна тартибдаги тадбиркорлар ҳам амалга оширишлари мумкин.

Шу билан бирга бир қатор чекловлар мавжуд. Хусусан, тамаки маҳсулотларини:

1) 20 ёшга тўлмаган шахсларга;

2) тамаки маҳсулоти қутисида (ўрамида) тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги матн ва (ёки) расм шаклидаги тиббий огоҳлантириш мавжуд бўлмаганда. Тиббий огоҳлантириш тамаки маҳсулоти қутиси (ўрови) олд томони асосий юзасининг камида 40%ини ва орқа томони асосий юзасининг камида 40%ини эгаллаш керак;

3) реализация қилинадиган жойларда уларни 20 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги, шунингдек тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув мавжуд бўлмаганда;

4) қуйидаги жойларда жойлашган савдо корхоналарида:

➢ таълим, спорт ва диний муассасалардан камида 500 метр радиусда;

➢ жамоат транспорти бекатларида, шу жумладан метрополитен бекатларида, жамоат жойларида ва дам олиш жойларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудига, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналарида, аэропортларга, темир йўл вокзаллари ва автостанцияларга туташиб кетган жойларда;

5) акция маркалари билан маркаланмаган ҳолда ёки қалбаки акция маркалари билан;

6) мувофиқлик сертификатисиз. Тамаки маҳсулотлари сифатида кўра техник регламентлар ёки стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ бўлиши керак. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, шу жумладан импорт алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг сотувчиси маҳсулотларининг ҳар бир номи бўйича тайёрловчи ёки етказиб берувчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳамда ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш рақамли, унинг амал қилиш муддати ва сертификатни берган орган кўрсатилган ҳолда маҳсулотининг ҳар бир номи бўйича мувофиқлик сертификати мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган товар-транспорт ҳужжатларига эга бўлиши керак;

7) яроқлилик муддати ўтиб кетган ҳолда;

8) ишлаб чиқарилган корхонани аниқлаш имконини берадиган даражада аниқ маркаланмаган ҳолда;

9) уларни тайёрлашга лицензияси бўлмаган маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланганда;

10) уларни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки божхона тартибга солиши, савдо белгилари ва фирма номларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларида, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузган ҳолда етказиб берган етказиб берувчилардан сотиб олинганда;

11) болалар ўйинчоқлари, конфетлар ёки болалар ассортиментини бошқа товарларни кўринишида;

12) доналаб, қутиси (ўрамси);

13) савдо автоматлари орқали;

14) кўча савдо тартибиде сотиш тақиқланади.

Тамаки маҳсулотларини сотиш тартиби қуйидаги ҳужжатлар билан белгиланган:

➢ «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонун;

➢ Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари (ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарорига 1-илова).

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.





РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

- «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».
- **ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ:**
- ЎзР МБ Бошқарувининг «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Кейинги йилларда республикада маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида уларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва самарали ҳал этишдаги мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш ишбилармонлик фаоллигининг ўсишига, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга инвестицияларни жалб этишга тўқинчилик қилаётган тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ;

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5495-сонли Фармониغا мувофиқ;

а) 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қўйидаги янги механизмлари жорий этилмоқда;

қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) куриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш;

б) қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимлигига чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида умумий майдони 2 000 квадрат метрдан ортиқ, лекин 5 000 квадрат метрдан кўп бўлмаган фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3067-сонли қарорининг 1 ва 2-илваларида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

2. Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 15 августдан 2019 йил 15 августгача Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи эксперимент (кейинги ўринларда эксперимент деб юритилади) ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича инвестиция шартномаларини тузиш орқали Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида соддалаштирилган тартибда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун доимий эгалик, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаларини тақдим этиш имконияти;

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича инвестиция қелишуви асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат мулки объектларини, шу жумладан, фойдаланилмаётган объектларни уларнинг майдони ҳажмидан қатъи назар бериш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари билан давлат-хусусий шериклигини жорий этиш назарда тутилган соҳалардаги объектлар бундан мустасно;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини ишончли бошқарув шартномаси асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра маҳаллий давлат

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 16.08.2018 йилдан кучга кирди.

ҳокимияти органларининг бозорлар ва савдо комплекслари устас капиталли (фондидаги улушларини уларнинг баланс қиймати ва ҳодимлари сонидан қатъи назар, хусусий тадбиркорлик субъектларига фаолият йўналишини сақлаб қолиш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар олиш шарти билан бериш, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларининг ижро этувчи органи функцияларини шартнома асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бизнесни ташкил этиш ва юритиш учун бериш. Бунда ҳар бир туманда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг улуши бўлган битта маҳаллий бозор сақлаб қолиниши назарда тутилсин;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат-хусусий шериклик шартларида автомобиль йўллари бўйлаб пуллик автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда кўп қаватли автомобиль сақлаш жойларини қуриш дастурларини тасдиқлаш;

энг юқори ижара тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини тақдир этган, асосан, йўл ҳаракати соҳасида инновация лойиҳаларини амалга оширишда тажрибага эга тадбиркорлик субъектларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган, шу жумладан, бозорлар ва савдо комплексларига туташ худудларда жойлашган автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларини давлат-хусусий шериклик шартларида 10 йилга қадар муддатга ижарага бериш.

3. Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказишнинг мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) иловата мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (А.Н.Арипов) зиммасига:

Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкалари ажратиш, давлат мулки объектларини реализация қилиш ва ижарага бериш бўйича қарорларини қабул қилиш учун кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш масаласини, шунингдек, амалга ошириш тақдир этилаётган инвестиция лойиҳалари кўрсаткичлари ва давлат-хусусий шериклигининг асосий шартларини тезкорлик билан қелишиш ва маъқуллаш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экспериментни ўтказиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал қилишга амалий кўмаклашиш бўйича фаолиятининг аниқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш, бюрократизм ҳолатларига йўл кўймаслик юзасидан тезкор чоралар қўриш;

экспериментни сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, эксперимент доирасидаги барча масалаларни тезкор қўриб чиқиш ва улар юзасидан қелишилган қарорлар қабул қилиш юқлисин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ эксперимент доирасида:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар ҳафта инвестор кўни ўтказилади, унинг доирасида, қонда тарихида, Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг инвестиция шартномаларини тузиш, уларга ер участкалари ажратиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат мулки объектларини бериш бўйича инвестиция тақдирлари қўриб чиқилади ҳамда тегишли маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг сайтига жойлаштирилади;

инвестиция фаолиятини олиб бориш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра ер участкалари бериш инвесторга ер участкасини бир йилгача муддатга (лоийҳанинг мураккаблигидан қелиб чиқиб узайтириш имконияти билан) дастлабки захиралаш шарти билан амалга оширилади, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар инвестор томонидан бажарилганидан сўнг ер участкасига эгаллик қилиш ва

фойдаланиш ҳуқуқи расмийлаштирилади. Инвестор томонидан зиммасига олинган мажбуриятлар инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар ва муддатларга мувофиқ бажарилмаганда ер участкасини захиралаш инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопланмасдан бекор қилинади;

Фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини ўз балансида сақловчилар томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги сўров жўнатган вақтдан кейин бир ой муддатда фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектини ташкил этиш, объектни аниқ ижарага олувчиларга бериш, аниқ инвестор (шерик)ни жалб этиш чоралари, шунингдек, фойдаланилмаётган объект фаолиятини тиклашнинг аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбалари назарда тутилган тақдирларнинг тақдир этилмаганлиги Тошкент шаҳри ҳокимининг фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини инвестиция қелишуви асосида реализация қилиш ёки бериш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш учун асос бўлади;

кейинчалик Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкалари тақдир этиш, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини реализация қилиш ёки бериш масалалари бўйича қарорини қабул қилиш учун рўёбга чиқариш тақдир этилган инвестиция лойиҳаларининг кўрсаткичларини Ишчи гуруҳ томонидан қелишиш ва маъқуллаш ўн иш кўни давомида амалга оширилади;

ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, қўриб чиқиш, ваколатли органлар ва ташкилотлар билан қелишиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда ўн иш кўни давомида, шу жумладан, электрон шаклда амалга оширилади;

Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг ваколатлари Тошкент шаҳар ҳокимига ўтади, у мазкур ваколатларни кичик саноат зоналари дирекцияларига қисман ёки тўлиқ бериши мумкин;

муайян инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдончасидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджетга маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 октябрдан:

автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини қўрсатувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби бекор қилинади, улар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда ягона солиқ тўлови ёки бошқа умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтказилади;

автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматлари, жойлашувидан қатъи назар, юридик шахслар томонидан автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берадиган видеокузатув ва автотранспорт воситалари кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш тизими билан жиҳозланганда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини қўрсатувчи юридик шахсларнинг тушумлари тўлиқлиги устидан тизимли назорат ўрнатсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимига хорижий инвестор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганидан қўшимча солиқ ва боқжона имтиёзлари ва преференцияларини бериш талаби қўйилмаган тақдирда 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қў-

маклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК «САР» авиакомпаниясининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Райхон қўчасида жойлашган бинолари, иншоотлари ва бошқа инфратўзимларини уларга туташ 101,64 гектар майдон билан биргаликда кейинчалик топширилаётган объектлар негизда «Индустриал парк» кичик саноат зонасини ташкил этиш шарти билан қабул қилиш ва топшириш далолатномалари асосида Тошкент шаҳар ҳокимлигига бегараз бериш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) бизнес юритиш учун энг мақбул шарт-шароитлар ва қулай инвестиция муҳитини яратиш, туманлар кесимида Тошкент шаҳрининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш учун зарур таъкиллий тадбирларни амалга ошириш мақсадида туманлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда:

тегишли ҳудудларда мавжуд имконият ва шароитларни акс эттиришни назарда тутадиган Тошкент шаҳри ва туманларнинг инвестиция паспортиларини;

инвестиция жараёнларини бошқаришнинг асосий мақсадларини, устувор тармоқларни ривожлантириш чораларини, маданий ва иқтисодий объектлар ҳамда атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини сақлаш билан боғлиқ чекловларни белгилайдиган Тошкент шаҳрида ҳудудлар кесимида инвестиция муҳитини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, концепциянинг натижадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларини;

масъул шахслар ва молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда инвесторларни аэропортлар, вокзаллар, таширф буюриш объектларида кутиб олиш, қулатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур транспорт ва техника воситалари билан таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин;

б) Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини фаолиятини жадаллаштириш, бўш турган ер участкаларидан мақбул тарзда фойдаланиш, улар негизда кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича, зарур ҳолларда Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳри Олмазор, Юнусобод, Чилонзор ва Сергели туманларига туташ ҳудудларда Тошкент шаҳрининг янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун ҳар бирининг майдони 20 гектардан кам бўлмаган ер участкалари ажратишни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) бир ой муддатда Тошкент шаҳар ва туманлари ҳокимларининг, шунингдек, улар ўринбосарларининг салоҳиятини инвесторларни жалб этиш, хорижий ҳамкорларга инвестиция салоҳияти ва бизнес юритиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш учун учрашув ва музокаралар, шу жумладан, хорижий мамлакатларга сафарларнинг календарь режасини ишлаб чиқсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими вазиасини бажарувчи Ж.А.Артикходжаев зиммасига:

инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари томонидан шахарсозлик регламентлари ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича талабларга риоя этилиши;

юклатилган вазиа ва функцияларни сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажариш, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал қилиш, бунда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигига ўз фаолиятида алоҳида эътибор қаратиш, ҳолислик ва очкилик принципларига риоя этиш, шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолиси манфаатларини ҳисоба олиш;

эксперимент доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижада юзага келаётган давлат мажбуриятларини молиялаштириш манбалари билан таъминлаш;

ушбу Фармоннинг 8-бандига мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги;

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисми, маданий мерос объектлари ва атроф-муҳит қулай экологик ҳолатининг сақланиши, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, манзарали дарахтлар ва гуллар эккан ҳолда яшил ҳудудлар барпо этиш, дарахтлар ва ўсимликларнинг ноқонуний кесилишдан ҳимоя қилиш;

ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган ва турли қонун-бузарлиқлар (дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, маданий мерос объектларига зарар етказиш ва бошқалар) билан боғлиқ фуқаролар муурожаатлари ва шикоятлари бўйича тезкор чоралар қўриш юзасидан масъулият юклансин.

10. Ишчи гуруҳ (А.Н.Арипов, С.Р.Холмуродов) Ишчи гуруҳ кун тартибига киритилаётган масалаларнинг тезкор қўриб чиқишини, шунингдек, юклатилган вазиа ва функцияларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

11. Вазирлик ва идоралар раҳбарларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қўрилиш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда турар жой зонасида жойлашган объектларни қайта ихтисослаштиришга рухсат бериш тартибини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин, бунда уй-жой ва меҳмонхона ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим объектларини, болалар муассасалари ва бошқа ижтимоий инфратўзимла объектларини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ва зарурати ҳисоба олинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда экспериментнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ва мониторинг ўрнатсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда эксперимент натижаларни юзасидан ушбу Фармоннинг амал қилишини республиканинг бошқа ҳудудларига таътиб этиш бўйича тақлифлар киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳар ойда ушбу Фармонга мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига Тошкент шаҳри ва туманлари ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда қўмаклашиш тавсия қилинсин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиоккомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ушбу Фармоннинг қондалари, мавжуд имкониятлар, инвестиция қелишувларини амалга ошириш натижалари ва давлат-хусусий шериклиқнинг афзалликлари кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг иқросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими вазиасини бажарувчи Ж.А.Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2018 йил 15 август
ПФ-5511-сон.

ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН НОРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 510-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 231-сон билан тасдиқланган Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига (рўйхат рақами 510, 1998 йил

22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Марказий банк Бошқаруви раиси
М.НУРМУРАТОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 30 июнь,
22/7-сон.

ЎзР МБ Бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/7-сон қарорига
ИЛОВА

ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН НОРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Ном ва 1.1, 1.2, 4.2-бандлардаги «ваколатли банклар» ва «ваколатли банклари» сўзлари «тижорат банклари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 2.1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2.1. Юридик шахслар бўлган норезидентлар учун Ўзбекистон Республикасининг миллий валютадаги ҳисобварақлари қуйидагиларга очилади:

Ўзбекистон Республикасида турган, иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хорижий дипломатик ва бошқа расмий ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек ҳўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасидаги хорижий ташкилотларнинг ваколатхоналарига;

товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдопариди иштирок этадиганларга;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиганларга».

3. 2.2-банднинг тўртинчи хатбоши, 4.6, 4.8 ва 5.1-бандлардаги «ваколатли банкларидаги» ва «ваколатли банкларида» сўзлари тегишлича «тижорат банкларидаги» ва «тижорат банкларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 2.4-банддаги «ваколатли банк» сўзлари «тижорат банки» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 4.1-банддаги «ваколатли банкларида» ва «ваколатли банклари» сўзлари тегишлича «тижорат банкларида» ва «тижорат банклари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 4.3-банднинг иккинчи хатбоши ва 4.9-банддаги «ваколатли банклари» ва «ваколатли банклар» сўзлари «тижорат банклари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 4.7-банддаги «ваколатли банк» сўзлари «тижорат банки» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 5.2-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «ваколатли банкларга» сўзлари «тижорат банкларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«товар-хом ашё биржалари ҳисоб-китоб-клиринг палаталарида доимий муассасани ташкил қилган норезидентнинг ҳисобварақларидан маблағлар».

9. 5.3-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«хорижий валютани сотиб олишга ишлатилиши»; тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

10. 5.4-банд ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Қуйидаги мазмундаги 6-бўлим билан тўлдирилсин:

«6. Товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдопариди иштирок этадиган юридик шахслар бўлган норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақлари

6.1. Товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдопариди иштирок этадиган юридик шахслар бўлган норезидентларнинг миллий валютадаги маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очилган тижорат банкларининг ҳисобварақларида сақланади.

6.2. Мазкур ҳисобварақларга қуйидаги маблағлар киритилиши мумкин:

товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдопариди маҳсулот сотишдан олинган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

6.3. Мазкур ҳисобварақларда ҳисобда турган маблағлар ҳисобварақ эгасининг ихтиёрига биноан:

хорижий валютани сотиб олишга ишлатилиши;

товар-хом ашё биржаларининг ҳисоб-китоб-клиринг палаталарида очилган ҳисобварақларга қайта ўтказилиши мумкин.

6.4. Тижорат банклари амалга оширилаётган операцияларнинг мазкур Тартиб талабларига мувофиқ келиши устидан назорат қиладилар».

*Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 30.07.2018 йилда расман эълон қилинган.

Кундузги бўлимда ўқийдиган талабани қисқартириш мумкинми

Мен олий таълим муассасаси талабасиман, ташкилотда тўлиқсиз иш куни давомида ишлайман. 2018 йил 2 июнда штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиш тўғрисидаги огоҳлантиришни имзоладим.

Агар бунга рози бўлмасам, нималарга эътибор қаратишим лозим, ишдан бўшатаётганда менга қандай тўловлар тўланиши зарур?

— Меҳнат қонунчилиги билан олий таълим муассасасида кундузги шаклда таълим олган ҳолда ишлаш чекланмаган.

Тўлиқсиз иш вақти шарт билан ишлаш ходимнинг муайян меҳнат ҳуқуқлари чекланишига олиб келмайди (МКнинг 119-моддаси).

Шундай қилиб, МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига мувофиқ технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ўзгаришига олиб келган

ишлар ҳажмининг қисқарганлиги муносабати билан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Агар ходим бунга рози бўлмаса, 3 та жиҳатга эътибор қаратиши лозим:

1) меҳнат шартномасини бекор қилиш далилининг ўзи қонунга мувофиқ келадими;

2) ушбу вазиятда ишда қолдирилганда унга афзаллик бериладими;

3) меҳнат шартномасини бекор қилишнинг белгиланган тартиб-таомили роя этилганми.

Ишдан бўшатиш қонунийлигини аниқланг

Баъзида иш берувчи ўзига хуш келмаган ходимдан қутулиш ниятида штат қисқаришини руқач қилиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилади. Аввалги ва амалдаги штат жадаллари ҳамда иш берувчининг уларни амалга киритиш тўғрисидаги буйруғи, корхона бошқариш ҳуқуқлари берилган корхонадаги мол-мулк эгасининг буйруғи, иш ҳақи фондини

қисқартириш тўғрисидаги материаллар билан танишиб чиқиб, ходимлар сони қисқартирилганлиги далилини аниқлаш мумкин.

Корхонада сизниқига ўхшаш бўш иш жойи бор-йўқлигини ҳам аниқлаш зарур, сабаби бу ҳолда тегишли тоифадаги ходимларнинг банд бўлмаган лавозимлари қисқартирилиши керак бўлади.

Қолишга уриниб кўринг

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилингандан ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унвондорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади (МКнинг 103-моддаси 1-қисми).

Штатни қисқартириш амалиёти ва тегишли йигмажидларни ўрганиб чиққандан кейин қисқартиришга номзодни аниқлаш имконини берадиган айрим аломатларни кўриш мумкин:

1) ходимнинг маълумоти эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги;

2) иш стаж (умумий меҳнат; ихтисослик бўйича; мазкур корхонада; мазкур лавозимда);

3) рағбатлантириш ва ҳукумат мукофотларининг мавжудлиги;

4) интизомий жазо берилганлиги (айни пайтда амал қилаётган).

Малакаси ва меҳнат унвондорлиги бир хил бўлган тақдирда куйидагиларга афзаллик берилади:

1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;

2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;

3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;

4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунаар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган

ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунаар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда 2 йил мобайнида;

5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;

6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

7) атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолатлар, агар ходимлар ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирдагина, инobatта олинади.

Меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра бекор қилингандagina афзаллик берилади.

Кетишга тўғри келса

Меҳнат қонунчилигида иш берувчи роя этиши керак бўлган, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ходимлар сони (штати) қисқарганлиги муносабати билан бекор қилишнинг махсус тартиб-таомили белгиланган.

Унда назарда тутилишича:

➤ янги штат жадвали тасдиқлангандан кейин иш берувчи ходимларни ходимлар сони (штати) қисқарганлиги муносабати билан бекор қилиниши ҳақида шахсан ва тилхат олиб камида 2 ой олдин огоҳлантиради (МКнинг 102-моддаси 1-қисми 1-банди);

➤ огоҳлантириш муддати давомида ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида 1 кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади. Огоҳлантириш муддати вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди (МКнинг 102-моддаси 6-қисми);

➤ агар объектив сабабларга кўра (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин (МКнинг 92-моддаси 2-қисми).

Қисқартириш муносабати билан ишдан бўшатиш чоғида ходимга қуйидагилар тўланади:

➤ меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақидаги огоҳлантириш муддати тугагунга қадар қолган вақтга мутаносиб миқдордаги пуллик компенсация, агар ушбу муддат пуллик компенсация билан алмаштирилган бўлса (МКнинг 102-моддаси 2-қисми);

➤ ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордаги ишдан бўшатиш нафақаси (МКнинг 109-моддаси);

➤ меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда ходимга тегишли иш

ҳақи (ҳисоб-китоб қилинади) (МКнинг 110-моддаси);

➤ фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиплар учун пуллик компенсация (МКнинг 151-моддаси).

Иш қидириш даврида (меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин) 2 ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида қисқартирилган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга олинади (МКнинг 67-моддаси).

Масалан, ишдан бўшатиш чоғида ходимга ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан ишдан бўшатиш нафақаси берилди. Бу маблағ ишдаги танаффуснинг биринчи ойи учун берилади. Иккинчи ой учун ўртача ойлик иш ҳақи аввалги иш жойидан иш ҳақи ёки аванс тўлаш кунда тўланади. Бунинг учун у паспорт ва меҳнат дафтарчасини тақдим этади, унда янги иш жойига қабул қилинганлиги ҳақида ёзув қайд этилмаган бўлиши лозим.

Амалиётда савол юзага келади: бухгалтерия тегишли қайдномага иш ҳақи сақланган ходим тўғрисидаги маълумотларни қандай ҳужжат асосида киритиши керак? Бу ҳолда иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб иккинчи ой учун ходимнинг сақланиб қолган иш ҳақини тўлаш тўғрисида буйруқ чиқариши зарур.

Ходим ишдан бўшаган пайтдан бошлаб 10 календарь куни давомида Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган, бироқ ишга жойлашмаган бўлса, учинчи ой учун ўртача иш ҳақи олиши мумкин. Бунинг учун аввалги иш жойидаги бухгалтерияга Марказ томонидан берилган маълумотномани тақдим этиш зарур.

Ходим штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатишда унинг меҳнат дафтарчасига уни бекор қилиш асослари ва сабаблари кўрсатилмаган ҳолда «Меҳнат шартномаси бекор қилинди» деган ёзув қайд этилади (МКнинг 81-моддаси; АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 2.20-банди).

Ўз ҳуқуқларингизни билинг

Иш берувчи ходимлар сонини (штатини) қисқартириш чоғида юқорида баён этилган талабларни бажармаса, иш берувчи амалда жойлашган жойдаги туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказидаги давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ва прокуратура органларига мурожаат қилишга ҳақлиси.

Текширув чоғида ушбу ҳолатлар

тасдиқланган тақдирда меҳнатга доир ҳуқуқларингиз тикланган ҳолда иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин (МЖТКнинг 49-моддаси).

Абдусалом Рискүллаев,
«Норма» МЧЖнинг бош эксперти.



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Тўхтаб туриш жойларида –
ногиронлар учун 5% бепул жойлар

Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом (АВ томонидан 7.08.2018 йилда 3048-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тасдиқланди.

2018 йил 9 ноябрдан бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар ҳудудларидаги барча тўхтаб туриш жойларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг транспорт воситалари тўхтаб туриши учун камида 5% жой ажратиш талаб этилади. Бундай жойлар сони 2 тадан кам бўлмаслиги керак.

Бундай жойларнинг ўлчамларига талаблар белгиланди. Автомобиль:

ҳаракат йўналишига бурчак остида қўйилганда – эни 3,5 м, узунлиги эса 5 м;

ҳаракат йўналишига параллель қўйилганда – эни 2,5 м, узунлиги 7 м.

Ногиронларнинг транспорти учун жойлар тўхтаб туриш жойининг кириш ва чиқиш қулай бўлган қисмида, кўп қаватли тўхташ жойларида эса – биринчи ва бошқа қаватларда лифтга яқин жойларда жойлашган бўлиши керак. Бунда ҳар бир жойдаги тегишли йўл белгилари ва чиқишлар ҳайдовчига яхши қўринадиган бўлиши зарур.

Бундан ташқари, тўхтаб туриш жойи инфратузилма объект-

ларидан (соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, ижтимоий объектлар ва бошқалар) узоқда жойлашган бўлса, улар атрофида ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорти тўхтаб туриш жойлари ташкил этилади.

Бундай жойлардан фойдаланганлик учун ногиронлиги бўлган шахслардан ҳақ олинмайди, яъни тўхтаб туриш жойи – мутлақо бепул. Бунда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар олдида – ногиронлики тасдиқловчи тиббий маълумотнома, 16 ёшгача ногирон боласи бўлган ота-оналарда эса бола учун ногиронлиги пенсияси тайинланганлиги ҳақидаги пенсия гувоҳномаси бўлиши керак.

Маълумот учун: Йўл ҳаракати қоидаларининг 92-бандига мувофиқ, 5.15 ва 7.17 йўл белгилари ёки 1.24 йўл чизигининг (юқорига қаранг) биргаликдаги таъсири доирасида тўхтаб туриш тақиқланади. Мазкур қоидадан бузганлик учун МЖТКнинг 128-6-моддаси (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши) бўйича маъмурий жавобгарлик юзага келади. Қоидабузарлик такрор содир этилишига қараб жарима миқдори 3 ЭКИХдан 15 ЭКИХгача ташкил этиши мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.11.2018 йилдан кучга киради.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

1 октябрдан автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойлари
ЯСТ ёки умумбелгиланган солиқларни тўлашади

Бу Президентнинг 15.08.2018 йилдаги «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (15.08.2018 йилдаги ПФ-5511-сон) назарда тутилган.

Айни пайтда автотототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқ тўланади. Бунда ушбу фаолият тури қисмида улар солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар (Солиқ кодексининг 371-моддаси 2-қисми).

Қатъий белгиланган солиқ физик кўрсаткич – эгалланган майдондан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади. 2018 йилда ушбу хизмат тури бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкаси эгалланган 1 м² майдон учун ойига:

- Тошкентда – 0,1 ЭКИХ;
- Нукус ва шаҳарлар-вилоят марказларида – 0,06 ЭКИХ;
- бошқа шаҳарларда – 0,05 ЭКИХ;
- бошқа аҳоли пунктларида – 0,04 ЭКИХни ташкил этади.

Солиқ солишнинг ушбу тури деҳқон (озиқ-овқат) бозорларидаги автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларидаги автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларига татбиқ этилмайди.

2018 йил 1 октябрдан юқорида таърифланган автотототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби бекор қилинади. Улар ягона солиқ тўлови ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтказилади.

Давлат солиқ қўмитасига ушбу солиқ тўловчиларнинг тушумлари тўлиқлиги устидан тизимли назорат ўрнатиш топширилди.

Шу санадан бошлаб ушбу хизмат тури, жойлашувидан қатъи назар, автотототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берадиган видеокузатув ва автотототранспорт воситалари кириш ва чиқиш вақтини кайд этиш тизими билан жиҳозланганда амалга оширилади.

Маълумот учун: 15.08.2018 йилдан 15.08.2019 йилгача Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича эксперимент ўтказилади. У, хусусан, тадбиркорлик субъектларига ҳокимликлар тасарруфида бўлган (шу жумладан, бозорлар ва савдо комплексларига туташ ҳудудларда жойлашган) автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларини давлат-хусусий шериклик шартларида 10 йилга қадар муддатга ижарага беришни, шунингдек хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда кўп қаватли автомобиль сақлаш жойларини қуришни назарда тутати.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.08.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ТАШАББУС

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси транспорт воситасидан таралувчи шовқин даражасининг рухсат этилган меъёрини аниқлашга қаратилган зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифни тайёрлади ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритди, хабар беради матбуот хизмати.

Шовқин учун
меъёр

Тунги вақтда шаҳар кўчалари бўйлаб уюштирилаётган пойғаларда мотоциклларнинг шовқинидан безовта бўлаётган аҳоли бу ҳақда тез-тез ИИББга мурожаат қилиб туради.

Маъмурий қонунчиликда ишлаб турган вақтда шовқин даражаси белгиланган меъёрдан ортқ бўлган транспорт воситаларини бошқарганлик учун ҳайдовчиларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи модда мавжуд. Унда ЭКИХнинг 0,5 миқдорида 3 миқдorigача жарима солиш белгиланган. Лекин транспорт воситаларидан тараладиган шовқиннинг лозим тутилган даражасини ўрнатадиган норматив ҳужжат ҳозир Ўзбекистонда йўқ.

«Айни вақтда ўзлаштирилган ҳалқаро тажриба асосида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига транспорт воситасидан чиқаётган шовқин даражасини аниқлаш ва уни тартибга солишни назарда тутувчи зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар киритилди» – дейилади хабарда.

Бундан аввал Тошкент шаҳридаги тунги патруллаш вақтларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари мотоциклчиларни тўхтатиб, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказишган ва уларга ҳамшаҳарларимизнинг осуда дам олишлариغا ҳалақит бермасликни тушунтиришган эди. ИИББ ходимлари бир қатор қоидабузарликларни аниқлашган: кимдир мотоциклни маст ҳолда бошқарган, кимдadir транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари бўлмаган, айримлар эса зарур жиҳозларсиз ҳаракатланиб, биринчи галда ўз ҳаётини хавф остига қўйган. Бундай ҳолатлар аниқланганда транспорт воситалари вақтинчалик жарима майдончасига жойлаштирилган ва содир этилган қоидабузарлик юзасидан баённомалар расмийлаштирилган.

Интернет материали асосида.

Икхисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАХИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қилинган – 186. Қўзғатилган – А3. Ҳажми – 2 босма тибик. Басди қилинганлар нарда.
Буюртма 365. Адади 825. Газета 2018 йил 27 август соат 18.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
елтаказиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.